

**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ
ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**IMPROVEMENT OF SECURITY REQUIREMENTS IN TASHKENT
METROPOLITAN FACILITIES BASED ON FOREIGN EXPERIENCE**

Тошпўлатов Акром Маманосирович

*«Тошкент метрополитени» ДУК кадрларини
тайёрлаш илмий-инновацион Маркази директори*

Аннотация. Сўнгги йилларда аҳолига юқори сифатли ва қулай йўловчи ташии хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, соҳада бозор тамойилларини жорий этиши, жамоат транспортидаги молиялаштириши тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириши масаласига Давлат раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим қарорлар қабул қилинган. Бунинг натижасида мамлакатимизда транспорт хизматлари кўрсатишни сифати яхшиланиб, аҳолига қатор қулайликлар яратилди.

Калим сўзлар: Йўловчилар хавфсизлиги, жамоат транспорти, халқаро тажриба, автоматлаштирилган тизимлар, хавфсизлик чоралари, транспорт хавфсизлиги, йўловчилар оқими.

Abstract. In recent years, significant decisions have been made by the head of state on the issue of full satisfaction of the needs of the population for high-quality and convenient passenger services, the introduction of market principles in the field, the improvement of the financing system and tariff policy in public transport. Thanks to this, the quality of transportation services in our country has improved and a number of amenities have been created for the population.

Key words: Passenger safety, public transport, international experience, automated systems, safety measures, transport safety, passenger flow

Тошкент метрополитенида бугунги кунда кунлик йўловчилар сони ўртача 733,3 минг йўловчини ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2023 йилда 464,1 минг нафарни ташкил этган.

2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида Тошкент метрополитенида 245,6 млн йўловчи ташилди. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 90,6 млн йўловчига ошган.

Таъкидлаш керакки, аҳолининг кундалик ҳаётига дахлдор ҳар бир масала давлатимизнинг эътиборида. Хусусан, жамоат транспорти тизими ўсиб бораётган талабдан келиб чиқиб ривожлантирилмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳри ҳам энига, ҳам бўйига ўсади. Муқим аҳоли, вақтинча яшовчилар, туристлар, талабалар сони ошди. Илгари шаҳарда кунига 800-900 минг йўловчи жамоат транспортидан фойдаланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1

миллион 300 мингдан ошган. Шу боис автобуслар етишмаслиги, кутиш вакти кўплиги каби муаммолар юзага келган эди.

Соҳани такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиб, унда мазкур йўналишдаги ўрта муддатли мақсад, вазифалар ва устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, Россия Федерациянинг Москва ва Санкт-Петербург, Жанубий Кореяниг Сеул шаҳарларида фаолият юритаётган ер ости ва усти метрополитенларда йўловчилар оқимини тартибга солиш бўйича диққатга сазовор ишлар амалга оширилган, жумладан:

Жанубий Кореяниг пойтахти Сеул шаҳрида транспорт хизматларини режалаштириш ва марказлаштириш, жамоат транспорт хизматларини маҳаллий эҳтиёжларга етарли даражада ҳисобга олиб, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Шаҳар ва ёндош ҳудудлар транспорт бошқармаси” (асосий орган метрополитен) ташкил этилган. Бу бошқарувнинг самарадорлиги, мослашувчанлиги ва хавфсизлигини оширади, асосийси фавқулодда содир бўладиган вазиятларда тезкорликда вазиятни назоратга олиш ва ўз вақтида керакли чора-тадбирларни амалга оширишга эришилади.

Бундан ташқари, “Сеул метрополитени”да йўловчиларни сонини кўпайтириш, уларни тез ва хавфсиз ўз манзилларига етказиш учун ўриндиқсиз электропоездлар қатнови йўлга кўйилган. Ўриндиқсиз поездлар энг гавжум йўналишларда ва фақат тифиз вақтларда ишлатилади, бу йўл билан йўловчилар сонини 30-40 фойзга оширишга эришилган. Шуниси эътиборлики, ушбу чора бекатларда мавжуд бўлаётган тирбандликларни олдини олинишига ва ўз ўрнида, метрополитенда хизмат олиб бораётган хуқуқ-тартибот органлари томонидан фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган салбий вазиятларни олди олиши учун қулай шароитлар яратади.

Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мобайнида Россия Федерациясининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳар метроларида амалга оширилган бир қанча эътиборга лойиқ жиҳатлар ҳам таҳлил қилинди.

Хусусан, Россия метрополитенларида бир қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилганидан сўнг, террор таҳдидлари кучайиб бораётганлиги сабабли ҳозирги кунда уларни муҳандислик-техника воситалари ва транспорт хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат томонидан жамоат транспорти хавфсизлигини таъминлаш комплекс дастури бўйича ажратилган субсидиялар ҳисобидан метроларга муҳандислик-техник ускуналар ва транспорт хавфсизлигини таъминлаш тизимлари харид қилинган ва ўрнатилган.

Хусусан, металлодетектор рамалар, қўлда ишлайдиган металлодетекторлар, радиация мониторингини олиб борувчи ускуналар, йўловчиларни шахсан текшириш учун стационар рентген қурилмалар, багажларни текшириш учун стационар конвейер типидаги рентген текшириш қурилмалари, портатив рентген телевизион тизимлари,

порглашга чидамли контейнерлар, портловчи моддалар буғларини аниқловчи детекторлар, портловчи қурилмалар учун радио бошқарув линияларини бостириш тизимлари шулар жумласидан.

Таъкидлаш жоизки, Москва метрополитенида яна бир қанча эътиборга лойик лойихалар амалга оширилган, жумладан:

- “Сифатли хизмат кўрсатиш” хизмати метрополитенда йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва хизмат кўрсатиш даражаси мониторингини назорат қилувчи маҳсус хизмат мавжуд. Мутахассислар турли усуллардан фойдаланган ҳолда йўловчилар орасида мунтазам равишда сўровномалар ўtkазадилар, бу эса ишларнинг оралиқ натижаларини маълум даврийлик билан якунлаш ва метро тизимининг ҳар бир элементини доимий равишда кузатиб бориш имконини беради;

- Москва шаҳри ҳукумати қарорига биноан, метро бекатлари яқинида автомобиллар тўхташ жойлари тармоғи ташкил этилган. Автотурагоҳларни видеокузатув, тўсиқ ва йўл ҳаракатини бошқариш тизимлари билан жиҳозлаш бўйича барча ишлар Москва метрополитени томонидан амалга оширилади.

тошкент метрополитени обьектларида хавфсизлик талабларини такомиллаштириш учун хориж тажрибасини ўрганиш ва амалга ошириш мухимdir. Қуйидаги хорижий тажрибаларга асосланиб, метрополитенда хавфсизликни таъминлаш учун қўшимча чоралар ва тадбирларни кўриш мумкин:

1. Автоматлаштирилган хавфсизлик тизимлари (Автоматлаштирилган сигнализация ва бошқарув тизимлари)

Тажриба: Европадаги ва Япониядаги метрополитенлар автоматлаштирилган сигнализация ва бошқарув тизимларини жорий қилинган. Масалан, Лондон ва Париждаги метрополитенлар ҳар бир вагон ва станцияда видеокузатув, автоматик эвакуация тизимлари ва эҳтиёжга қараб йўловчиларни аниқ белгилашга қаратилган мониторинг тизимларини фаол ишлатмоқда.

Такомиллаштириш: Тошкент метрополитенида ҳам шу каби автоматик тизимларни жорий қилиш, хавфли вазиятлар ҳақида тезкор хабар бериш ва тизимни худудий равишда бошқариш имкониятларини ошириш мумкин. Бу йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда мухим роль ўйнайди.

2. Эвакуация жараёнлари ва хавфсизлик кўмак хизматлари

Тажриба: Сингапур ва Сеул метрополитенларида ҳар бир станцияда маҳсус эвакуация бўлимлари мавжуд ва улар фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш учун жуда яхши тайёргарликка эга. Бунинг натижасида йўловчиларни эвакуация қилиш жараёни жуда осон ва самарали амалга оширилади.

Такомиллаштириш: Тошкент метрополитенида ҳам станциялар ва вагонларда фавқулодда эвакуация учун маҳсус белгилар ва йўлланмаларни жорий қилиш керак. Метрополитен ходимлари ҳам маҳсус тренинглардан ўтказилиши, эвакуация сценарийлари ўз вақтида амалга оширилиши лозим.

3. Терроризмга қарши хавфсизлик ва фавқулодда вазиятлар учун чоралар

Тажриба: Лондон ва Нью-Йорк метрополитенларида хавфсизлик бўлими ва терроризмга қарши жорий қилинган хавфсизлик тадбирлари доимий равишда кузатилади. Масалан, уларда махсус қуролланган полиция ва хавфсизлик ходимлари, видеокузатув камералари, металл детекторлари ва хавфли ўтказмаларга мониторинг тизимлари фаол ишлайди.

Такомиллаштириш: Тошкент метрополитенида ҳам видеокузатув камералари, металл детекторлари ва йўловчиларни аниқ текширувдан ўтказиш тизимини жорий этиш мумкин. Бу, ўз навбатида, терроризмга қарши хавфсизлик чораларини кучайтиришга ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

4. Йўловчилар учун хавфсизлик таълимоти ва малакали хизматлар

Тажриба: Япония ва Германияда йўловчиларга метрода хавфсизлик бўйича мунтазам маърузалар, интерактив тренинглар ва эълонлар орқали маълумотлар берилган. Бу тажриба йўловчиларнинг хавфсиз ҳаракат қилишини таъминлашга ёрдам беради.

Такомиллаштириш: Тошкент метрополитенининг ҳар бир станциясини батафсил таълимот ва йўл кўрсатмаларини ташкил этиш, йўловчиларни хавфсизлик қоидаларига амал қилишга ўргатиши. Бундан ташқари, метро хизматларини смартфонлар орқали қўллаб-куватлаш ва ҳар қандай фавқулодда ҳолатлар бўйича маълумотлар тарқатиш учун мобиль дастурларни ишлаб чиқиш мумкин.

5. Ёрдамчи ва қулай инфратузилма

Тажриба: Ҳар бир метрополитенда йўловчилар учун махсус ёрдам хизмати, айниқса, ногиронлар учун инфратузилмалар жорий этилган. Масалан, Сеул ва Берлин метрополитенларида йўловчилар учун махсус лифтлар, пандуслар ва ёрдамчилар мавжуд.

Такомиллаштириш: Тошкент метрополитенида ҳам ногиронлар ва эҳтиёжманд йўловчилар учун инфратузилмани яхшилаш, барча станцияларда пандуслар, лифтлар ва махсус ускуналарни жорий қилиш керак.

6. Ҳаво ва ҳавфсизлик мониторинги

Тажриба: Лондон ва Шанхай метрополитенларида, метрополитендаги ҳаво сифати, температура ва ўзгаришларни кузатиш учун автоматлаштирилган тизимлар мавжуд. Бу йўловчиларнинг қулиялиги ва хавфсизлиги учун муҳимдир.

Такомиллаштириш: Тошкент метрополитенида ҳаво сифати ва температурани назорат қилиш ва ҳар қандай муаммоларга тезкор ҳал қўйиш учун замонавий мониторинг тизимларини жорий этиш муҳим.

Бу йўналишлар метрополитеннинг хавфсизлик тизимларини халқаро талабларга мувофиқ такомиллаштиришга ёрдам беради. Хориж тажрибаси асосида амалга оширилган ушбу чоралар, йўловчиларнинг хавфсизлигини, қулиялигини ва метрополитеннинг умумий ишлашини яхшилайди.

Хулоса. Хориж тажрибаси асосида Тошкент метрополитенида хавфсизлик талабларини такомиллаштириш, йўловчиларнинг хавфсизлиги, қулиялиги ва ихтиёрий ҳаракат имкониятларини сезиларли даражада яхшилайди.

Автоматлаширилган тизимлар, хавфсизлик тадбирлари ва ёрдам инфратузилмасини яхшилаш Тошкент метрополитенини халқаро стандартларга мувофиқ равишда ишлашини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сонли «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қозогистон пойтахти Остона шаҳрига 22-23 март кунлари амалга оширадиган давлат ташрифи арафасида «Казинформ» агентлиги мухбирига берган эксклюзив интервьюси // <http://kun.uz>, 21 март 2017 йил.
6. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош котиби Антониу Гуттерриш билан бўлиб ўтган учрашувдаги фикри // <http://press-service.uz>, 20 сентябрь 2017 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи, 10 ноябрь 2017 йил.